

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қахрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тулқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мунинова
проф. Шокир Ғафоров
филол.ф.д. Хўжамурод Жабборов
филол.ф.д. Дамин Тўраев
т.ф.н.доц. Акрам Ҳасанов
т.ф.н.доц. Фахриддин Раҳмонов
т.ф.ф.д. Раъно Тўхтаева
т.ф.ф.д.доц. Саҳодат Муртазова
ф.ф.н.доц. Саодат Мунинова

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.

Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.
Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 91.466-80-32
Теришга 12.01.2023 йилда берилди.
Босишга 28.03.2023 йилда рухсат
этилди. 28.03.2023 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 10,0 босма табоқ.
Адади 100 нусха. Буюртма №109
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2023 йил №1 сон (51)



2023 йил «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



MUNDARIJA

TARIHSHUNOSLIK

Очил БЎРИЕВ, ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR TAVALLUDINING 540 YILLIGIGA BOBUR MIRZO TAVSIFIDA O'ZBEK MILLIY KURASHI VA ZAMONAVIYLIK.....	6
Шарофат Ашурова, ТАБИБ ФОЖИАСИ.....	12
Ж.Бегалиев, O'ZBEKISTONDA ILI-FAN SOHASIDA MUALLIFLIK HUQUQI TARIXI.....	22
А. Р. Маматалиев, ZAMONAVIY TARIXSHUNOSLIKDA FARG'ONA VODIYSI MODDIY MADANIYATINING O'RGANILISHI (KIYIMLAR MISOLIDA).....	30
Д.Васиева, OLIY TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH VA INNOVATSION YONDOSHUV.....	38
Низомов Х., Оромов Ш. O'ZBEKISTON VA TURKMANISTON HAMKORLIGINING SIFAT JIHATDAN YANGI BOSQICHI..	44
О. Normatov, TURKISTON, BUXORO VA XORAZM RESPUBLIKALARIDAGI AYRIM IJTIMOYIY-SIYOSIY JARAYONLAR XUSUSIDA.....	49
Ш. Сулаймонова, YURTGA SADOQAT BILAN XIZMAT QILGAN INSON.....	55
К.Қаюмова, TOJ SALMONIY "TARIXNOMA" ASARI XALIL SULTON FAOLIYATIGA DOIR MUHIM MANBA SIFATIDA..	61

ТАДҚИҚОТ

R.Shaymatov, O'RTA ASRLAR TARIXIDA SUV INSHOOTLARI IQTISODIYOTNING MUHIM TARMOG'I.....	68
Ю.Манзаров, MUNZIM VA UNING JADID HAMKORLARI O'RTASIDAGI MUNOSABATLAR.....	72
Х.Низомов, Қ.Худоёров, O'ZBEK VA TOJIK XALQLARINING MA'RIFIY ISHLAR SOHALARIDAGI HAMKORLIGIDA MILLIY-MADANIY MARKAZLARNING ROLI.....	76
S.Amirov, EKOLOGIK TA'LIM VA TARBIYA.....	82
B.Rizayev, HAJVNAVIS IJODKOR USLUBI VA UNING POETIK O'ZIGA XOS MUAMMOLARI.....	84
M.Kamolova, N.Shodmonov, ALISHER NAVOIY " XAMSA"SIDA SHIRIN, LAYLI OBRAZLARI.....	90



Sherxon QORAEV, QO'QON XONLIGIDA ADABIY MAJLISLAR (Shoh va shoir Umarxon Amiriy she'riyat kechalari misolida).....	95
C.Ҳаққулов, О'ZBEKISTONDA ME'MORCHILIK VA SHAHARSOZLIKNING O'RGANILISH TARIXI.....	103
Ш.Хайитов, З.Буриев, ROSSIYA IMPERIYASINING KASPIYORTI VILOYATIGA AHOLINI KO'CHIRISH SIYOSATI SHARQSHUNOS D.N.LOGOFET TALQINIDA (XIX ASR OXIRI - XX ASR BOSHLARI).....	108
И.Бўриев, IBN SINO GNOSEOLOGIIYASIDA OLAMNING ABADIYLIGI.....	113
G.Abilova, AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ASRIDA VEBINARNING AHAMIYATI.....	119
O.Rahmonkulova, TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XOTIN-QIZLAR UCHUN TA'SIS ETILGAN "ZULFIYA" NOMIDAGI DAVLAT MUKOFOTINING AHAMIYATI VA NATIJALARI (JANUBIY VILOYATLAR MISOLIDA).....	124
Я.Фаффоров, "О'ZBEKISTON VA MARKAZIY OSIYO MINTAQASI DAVLATLARINING O'ZARO HAMKORLIK VA HAMJIHATLIK YO'LLARI".....	129
B.Imamov, O'ZBEKISTON VA TURKIYA RESPUBLIKALARI O'RTASIDA MADANIYAT VA SAN'AT SOHALARIDAGI HAMKORLIK TARIXI (1991-2018 y).....	135
Ф.Исломов, KASHANDALIK, ALKOGOLIZM HAQIDA TUSHUNCHA VA ULARNING OLDINI OLIH CHORATADBIRLARI.....	141
N.Hazratov, QADIMGI KESH VILOYATINING AVESTO MALUMOTLARI BILAN QIYOSIY TAXLILI.....	145
Ф.МАЛЛАЕВА, QASHQADARYODA GAZ SANOATNI KIRIB KELISH TARIXI.....	150
Мафтуна Нарзиева, TURKISTON QISHLOQ XO'JALIK JAMIYATINING BOSHQARUVI, FAOLIYATI TARIXIDAN (1885-1917 YILLAR).....	158



ROSSIYA IMPERIYASINING KASPIYORTI VILOYATIGA AHOLINI KO'CHIRISH SIYOSATI SHARQSHUNOS D.N.LOGOFET TALQINIDA (XIX ASR OXIRI - XX ASR BOSHLARI)

Ш.Хайитов,
З.Буриев
БухДУ

Kalit so'zlar: кўчириш, рус посёлкаси, рус қишлоғи, хўжалик ҳаёти, немис меннонитлари, Кавказ молоканлари, чегара, черков, мактаб, дача, диний оқим, зобит, Ашхобод уезди, Тажан, Сарахс, харбий мажбурият.

Россия империясининг Туркистон сиёсатида рус тилли аҳолини ушбу минтақага кўчириш сиёсати марказий ўринлардан бирида туради. Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиб, бу сиёсий-маъмурий бошқарув мавжуд бўлиб турган бутун бир даврда (1867-1917) империя ҳукумати ўлкани руслаштириш, мустамлака бошқарувини "абадийлаштириш" мақсадида пахта, темирйўл сиёсати билан бир қаторда кўчириш сиёсатини ўз ҳукмронлигининг охириги йилига қадар давом эттирди. Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларига аҳолини кўчириш сиёсатининг умумий хусусиятлари билан бирга ҳар бир вилоят учун ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд эди. Жумладан, нисбатан кейинроқ таркибига кирган (1899 йил) Ашхобод, Красноводск, Тежен, Марв, Мангишлоқ уездларидан иборат бўлган Каспийортига марказий губерниялардан аҳолини кўчириш ҳам ўзига хос кечди.

Каспийорти вилояти бошқи вилоятларга нисбатан ер майдони катталиги, аҳолиси зичлиги даражасининг сийраклиги, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти пастилиги, кўчманчи аҳоли сони ортиқчалиги, узоқ масофаларга чўзилган чегара районларида жойлашганлиги каби омиллар билан алоҳида хусусият касб этган. Вилоятда ишчи кучи етарли эмаслиги, чет эл фуқаролари бўш, қўриқланадиган чегаралар орқали кириб кела олиши каби жиҳатлар ҳам унинг ўзига хос томони ҳисобланарди. Каспийортида ўнлаб Россия-Эрон, Россия-Афғонистон чегара постлари мавжуд бўлиб, кўчирилган аҳоли посёлка ва қишлоқлари ҳам асосан чегара районларида вужудга келган эди.

Тадқиқотчиларнинг маълумотича, Каспийорти вилоятларида рус посёлкалари Мангишлоқдаги оролардаги балиқчилар манзилгоҳи бўлганди. Балиқчилар посёлкаларидан сўнг, 1888 йилда биринчи рус деҳқонлари қишлоғи Фармоб-Кўлоб котловинасида вужудга келиб, у Михайловский



қишлоғи номи билан қарор топган. Аслида бу қишлоқ қадимий Форс (Эрон) қишлоғи бўлиб, 1881 йил 9 декабрда Россия-эрон конвенцияси (битими) орқали Россияга ўтганди.

1890 йилда бу Фармоб қишлоғида 78 жон рус деҳқонлари, 1894 йилда 13 оила (83 жон) руслар истиқомат қилиб, 76 десятина ерга буғдой, 8 десятина ерга полиз ва сабзавот экинлари экишган. Ундан кейин қўшни Дмитровка қишлоғи ташкил топиб, 6 оила (34 жон) деҳқонлар 25 десятина ерга буғдой, 4 десятина ерда полиз ва сабзавот экинлари етиштиришган. Михайловский ва Дмитровский қишлоқ аҳолисида 40 та от, 130 бош ҳўкиз ва сигир, 470 бош қўй ва эчки, 1000 дона курка бор эди. Бу қишлоқлардан сўнг бирин-кетин Скобелевский, Ванновский, Крестовский, Обручевский, Высокий посёлка ва қишлоқлари пайдо бўлиб, 1894 йил 1 октябрда Каспийорти вилоятида 10 та деҳқон посёлкалари бўлиб, уларда 1000 жон (800 таси руслар) истиқомат қилган. 1890-1894 йилларда вилоятда рус деҳқонларининг сони 10 баробар кўпайган.

1890 йилларнинг ўрталарида (1895 йил) А.Н.Куропаткин Каспийорти вилояти ҳарбий губернатори бўлганидан сўнг (ушбу шахс Россия империяси ҳарбий вакили, кейинчалик охириги Туркистон генерал-губернатори лавозимида ҳам ишлаган) Рус-афғон чегарасидаги энг охириги нуқта ҳисобланган Кушка шаҳри атрофида рус деҳқонлари қишлоғига асос солди. Кушка водийсига биринчи рус деҳқони 1891 йилда келди, 1892 йил 1 январда 7 та оила бўлса, А.Н.Куропаткин ҳарбий губернаторлиги даврида Кушка водийсигача 218 рус деҳқони келтириб жойлаштирилди, кўчириб келтирилганлар асосан Харьков губернияси, Волчанский уезди волеятларидан эди. Ҳатто, Куропаткин Харьков губерниясига деҳқонларни олиб келиш учун ўз зобитларини юборган. Д.Н.Логофет Каспийортига рус деҳқонларининг ташаббускори ва ҳимоячиси А.Н.Куропаткин, деб ҳисоблайди. Унинг қайд этишича, кўчиб келганларга Куропаткин 100 рубль жарима эмас, уларга текин темир йўли чиптаси, қўшимча пул ёрдами, ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан уларни озод этиш, имтиёзли кредит (ссуда) бериш, деҳқончилик қилиш учун техника воситалари билан таъминлаш кабиларни амалга кенг жорий этган.

Д.Н.Логофет Каспийорти вилоятига аҳолини кўчириш сиёсатини кучайтириш мақсадида кўчирилганлар 1903 йилга қадар ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод этилиши, ҳарбий мажбуриятни ўтамаслиги, темир йўл чиптаси текинлиги (Каспийорти темир йўли орқали юрилса), 100 рубл қайтариб бермаслик шарти билан қўшимча субсидия олишидан ташқари, поселениеда яшаш учун эркин, қулай жой қидириш ҳуқуқи, маъмуриятдан унумдор ерларни танлашда амалий ёрдам олиши каби имтиёзларни олганлигини таъкидлайди. Унингча, турли диний оқимдаги (православ бўлмаган) аҳолини кўп сонли бўлиб вилоятга кўчишларида кўчирилганларни



ҳарбий хизматдан озод этиш имтиёзи муҳим туртки ва омил бўлган. Айниқса, христиан эътиқодида бўлиб ҳарбий мажбурият ва давлат бошқаруви ишларидан мутлақо воз кечган немис-меннонитлари, Кавказ молуканлари, штундистлар, баптистлар, жидовистлар, хлистлар Каспийорти вилоятида эркин хўжалик юритиш, ўз эътиқодларига тўсиқсиз сифиниш имкониятини қидириб ҳам кўчганлар. Д.Н.Логофет Кавказ молуканлари ва хлистлар ўз эътиқодларига сифинган ҳолда аждодлар анъанасига содиқ бўлиб яшайди, штундист ва баптистлар, шунингдек, немис меннонитлари имкон қадар тартиб ва интизом сақлайди, овозларини кўтаришмайди, ўз хўжаликлари билан сидқидилдан шуғулланишини қайд этган.

Шарқшунос олим молуканлар майин жунли қўйлари билан, немис меннонитлари зотдор қорамоллари ва паррандалари (Курка ва рус оқ товуги, ўрдак, гоз) билан кириб келганлигига эътиборини қаратган. Немис-меннонитлари Саратов губерниясидан кўчиб, Крестовский қишлоқларига асос солишган. Улар қорамолчилик фермаларига асос солиб, ўзларига ажратилган ерларда буғдой, арпа, картошка етиштирдилар. Атрофи дарахтзорлар (мева ва манзарали дарахтлар) билан ўралган ёруғ, яшашга қулай, томлари шифер қилинган, барча шарт-шароитлар яратилган уйларга асос солдилар. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданиятини ўрганишга ҳаракат қилдилар, бироқ пахтачиликда омадлари чопмади. Немис-меннонитлари билан ёнма-ён Эрон (Форс)дан кўчиб келган курдлар истиқомат қилиб, бу халқлар тинч-тотув яшарди, ҳар ким ўз иши билан машғул бўлиб, бири иккинчисидан шикоят қилмасдан яхши қўшничиликда умургузаронлик қиладилар, деб ёзган Д.Н.Логофет. Крестовский чегара пункти Сарахсдан 18 чақирим узоқликда бўлиб, посёлкада немис-меннонитлари бадавлат яшаган. Сарахс-Тажан оралигида, посёлка марказида мактаб бўлиб, немислар барча болаларини саводини чиқаришга ҳаракат қилишган. Тажан қирғоқларида чорва боқишган. Бу ерларда экин майдонлари танқис бўлиб, мусулмонлар 30-35 йил ичида 2 баробар кўпайган, кўчирилганлар ўз ҳолича қолган, деб ёзади Логофет.

1903 йилга келиб Каспийортида 20 та рус посёлкаси вужудга келиб, уларда 2500 киши истиқомат қилган ва рус деҳқонлари 2000 десятина ерга деҳқончилик қилган. Д.Н.Логофет Каспийорти вилоятидаги рус посёлка ва қишлоқлари асосан уездлардаги чегарага яқин ҳудудларда вужудга келганлигини асослаган. Бундан кўзланган мақсад узоқ масофага чегара ҳудудларини аҳоли билан тўлдириш, бу ҳудудлардаги ер майдонларини экин муомаласига киритиб, барқарор рус деҳқонлари хўжалиги "анклав"ини вужудга келтириш, чегарадаги рус ҳарбийлари моддий таъминотини яхшилаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишга эришиш эди. Ашхобод уездида узоғи билан 70 км, яқини билан 1 км чегара масофасида 1903 йилда 17 та рус посёлкаси, қишлоқ, сжаница ва дачалар бўлган.



Посёлкалардан Михайловский (124 жон), Дмитровский (50 жон), Саратовский (24 жон), Комаровский (26 жон), Ванновский (58 жон), Скобелевский (108 жон), Куропаткинский (84 жон), Обручево (157 жон), Робертовский (34 жон), Невтоновский (113 жон), Яблонов (70 жон), Романовский (99 жон), Тумановский (66 жон), Хайрабод санитар станцияси (14 жон), Фирлоза дачаси (25 жон), Дейим овули (205 жон), Маниш овули (28 жон), жаъми 1375 жон рус фуқаролари яшаган. Ашхобод яқинидаги Ванновский посёлкаси обод бўлиб, ушбу посёлка 1893 йилда Эрондан Россияга ўтиб, 1901 йилда рус посёлкаси ташкил этилган. Посёлкадаги хаталар ва чурков, бутасимон ҳамда манзарали дарахтлар билан қуршалган. Бу посёлкада йирик қорамолчилик сут фермалари ташкил этилган. Ферма ашхобод ҳарбий гарнизонини сут ва гўшт билан таъминлаган.

Каспийорти вилоятидаги рус посёлкалари барчаси ҳам обод бўлмай, уларда хўжалик юритадиганлар орасида камбағал ва қашшоқлар ҳам мавжуд эди. Д.Н.Логофет обод посёлкалар сифатида Гармоб водийсидаги посёлкаларни қайд этади. Гармобдаги посёлкаларда черков, приход мактаблари, ибодат уйлари мавжуд бўлиб, ҳарбийлар, зиёлилар, деҳқонлар, чегара, божхона хизматчилари биргаликда ибодат қилганлар. Черков қошидаги мактабларда "худо қонунлари" (диний илмлар)дан руҳонийлар, аниқ фанлар ва рус тили, география, тарихдан ўқитувчилар семенариясида таҳсил олган ўқитувчилар таҳсил беришган. Айрим черковлар қошида қизлар мактаби ҳам фаолият юритган. Таъкидлаш жоизки, посёлка ва қишлоқларда асосан Харьков, Полтава, Рязандан келган деҳқонларнинг уй-жойлари тартиб билан жойлашган. Шаҳарларда казарма, ҳарбий кўшин штаби биноси, зобитлар квартираси кабилар қад кўтарган. Д.Н.Логофет Ашхободдан 85 чақирим узоқликдаги Фируза истироҳат жойи ҳақида маълумот берар экан, бу ерда йўлнинг икки қирғоғи чинор, грек ёнғоғи, қайроғоч, терак дарахтлари билан қоплангани, ёзда барча ашхободликларбу ерга кўчиши, Фируза дачаси Европа шаҳарларига ўхшаб кетиши, яхши истироҳат боғи(парк)да кечки сайрлар, театр томошалари, балл ва маскарадлар, концертлар уюштирилишини тасвирлайди. Бу жойдаги темир йўл ўтиши, почта, телеграф ва телефон мавжудлиги ҳақида ҳам фикрлар келтирилган. Хуллас, "бу маконда ёзда ҳаёт қатнайди, қишда эса ўлади" - деб ёзган муаллиф.

Д.Н.Логофетнинг Каспийортига рус аҳолисини кўчириши билан боғлиқ маълумотлари таҳлил қилинар экан, унда Россия империяси маъмур ва ҳарбийларига хос мустамлакачилик психологияси мавжудлиги кўзга ташланади. У биз юқорида қайд этган китобининг 138-саҳифасида: "Гарнобдан 40 чақирим узоқликда, темир йўлга яқин ҳудудда Гўк-тепа харобаси жойлашган. Гўктепага рус генерали М.Д.Скобелевга (Гўктепа қиргинининг сабабчиси) ёдгорлик ўрнатилган ва ҳарбий музей мавжуд.



Мудей Оқ подшо ҳарбийларининг портретлари, қурол-яроғлар, жанговар барабанлар, тўплар билан тўлдирилган. Гўктепа "қахрамонлари"нинг номлари музей деворида олтин ҳарфлар билан битилган" каби мустамлака руҳи билан ифода этилган фикрини келтиради. У Скобелевни Байрамали, Марвдаги от заводлари вужудга келишининг ташаббускори, унга кўрсатилган эҳтиром (ҳайкал ва музей) етарли эмас, деб ҳисоблайди.

Ушбу каби салбий ва мустамлака сиёсатини амалга оширишга қаратилган фикрларни илгари сурган Д.Н.Логофет қарашларидан қатъий назар, унинг китобларида Туркистон тарихини ўрганишга хизмат қиладиган лавҳалар анчагина эканлигини эътироф этмоқ керак. У Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати масаласида ҳам ўз қарашларини илгари сурганлиги аён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г. Тарновский. Русские поселения в Закаспийской области// Туркестанский сборник. Том 419. -С.134-148. (Русская мысль - 1895г. - №5).
- 2.Закаспийская область// Туркестанский сборник. -Том 472. -С.103.
- 3.Логофеть Д.Н. На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3-х книгах. Книга 1. Персидская граница. С-Петербург. - 1909. -С. 132.
- 4.На границах Средней Азии... Книга 1. -С.214-216.
5. ЎзМА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 696-йигма жилд,

Annotatsiya: Ушбу мақолада Россия империяси Туркистон генерал-губернаторлигининг Каспийорти вилоятига аҳолини кўчириш жараёни, кўчирилганларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, шарқшунос, Россия империяси география жамияти ҳақиқий аъзоси Д.Н.Логофет асарлари орқали очиб берилган.

Abstract: In this article, the process of resettlement of the population of the Turkestan Governorate of the Russian Empire to the Kaspıyorti region, the socio-economic condition of the resettled people, is revealed through the works of D.N. Logofet, an orientalist and a true member of the Geographical Society of the Russian Empire.